

ПАХТА ПЛАНИ БАЖАРИЛДИ

● Республикамиз пахтакорлари юбилей хирмонига 3 МИЛЛИОН 800 МИНГ тоннадан ортиқ «оқ олтин» топширдилар.

● Механизаторларимиз ўз зиммаларига олган мажбуриятларини ортиғи билан адо этиб, 1,5 миллион тонна пахтани машинада териб бердилар.

● Эндиги марра — 4 миллион тонна

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!



СССР СОВЕТ УЗБЕКИСТОН

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети,
Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Министрлар Советининг органи

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН
ЧИКА БОШЛАГАН

1967 йил 11 ноябрь, шанба

№ 265 (13.825) Баҳоси 2 тийин.

БУЮК БИРДАМЛИК НАМОЙИШИ

Қаҳрамон совет халқи, бутун прогрессив инсоният Улуғ Октябрь социалистик революциясининг шонли 50 йиллик юбилейини зур ифтихор ва тантана билан нишонлади. Миллатларнинг бирлиги, бирлиги социалистик давлат — Советлар дийриги, коммунизм дийриги, улуғ Москвага қаратилган.

Улуғ Октябрнинг ярим асрлик туйи башариёт қуёши Владимир Ильич Ленин, Коммунистнинг партия раҳбарлигида амалга оширилган шу жаҳоншумул революциянинг энгилмас кучини, марксизм-ленинизм голларининг мамлакатимиз учун ҳам, жаҳондаги барча халқлар учун ҳам ўзгармас улуғвор аҳамиятининг жуда улкан намоёниши бўлди.

Улуғ Октябр, жаҳонни революция оғида қуриш даврини, инсоният тарихида янги даврини бошлаб берди. Шу миллатлар революциянинг порлоқ галабаси натижасида ер юзининг олтидан бир қисмида социализм қуриш учун чексиз имониётлар очилди. Совет ҳокимиятининг шонли 50 йиллик тантаналари мамлакатимиз меҳнат аҳлининг — ишчилар синфи, меҳнатшароити ва энгилларнинг ярим аср мобайнида қўлга киритган миллатлар галабаларини бутун жаҳонга тараннум қилди.

Октябрь кунлари Ой-Батинининг ҳамма ерида — шаҳар ва қишлоқларда, ҳар бир совет оиласида энг қутлуғ, энг муқаддас, энг азиз, энг муборак байрам сифатида қарши олинди. Байрам тантаналари халқлар дустлиги ва қардошларча ҳамкорлигининг буюк кучини кўрсатди.

Совет Ўзбекистонининг меҳнат-нашлари ҳам улуғ байрамни сиёсий ва меҳнат кутаринининг ниҳоятда барқ урган тантанасига кўтиб олди ва гоҳида тантанавор нишонлади. Ўзбек халқи совет халқларининг тенг ҳуқуқли оиласида чинакам бахт топди, ўз эконимика ва маданиятининг ривожлантиришда олға томон жуда катта қадам ташлади. Коммунистнинг партия ленинча миллий сиёсатининг донолиги, бу сиёсатнинг бунёдкорлиги ва ўзгартирувчи кучи республикаимизнинг буюк муваффақиятларида яққол кўриниб турибди.

Совет ҳокимияти йилларида республикаимиз халқ ҳўжалиги барқ уриб ривожланди, Ўзбекистон Совет Шарқининг машаалли бўлиб қолди. Республикаимиз ялли саноят маҳсулотининг ўсиш суръатлари жиҳатидан Шарқдаги кўшини давлатлардангизга эмас, балки Ғарбий Европаниннг юксак таракций этган капиталисттик мамлакатлардан ҳам ўзиб кетди. Республикаимизда саноят ишлаб чиқариши 1924 йилдагига нисбатан 85 баробар ўсганлиги, ҳозирда маҳонининг 91 мамлакатига Ўзбекистон тамағи босилган турли хил маҳсулотлар юборилаётганлиги Улуғ Октябрнинг самарасидир.

Ўзбекистон саноятининг марду

майdonлари шонли юбилейни ўн ойлик планин мuddатидан олдин адо этиш билан кўтиб олдилар. Қишлоқ ҳўжалигининг шонли тивариячилари фидонорона меҳнатининг юксак намуналарини кўрсатдилар. Пахта тайёрлаш планин мuddатидан олдин 800 минг тоннадан ортиқ «оқ олтин» хирмонини тикладилар. Бу йил республикада биринчи марта бир йил миллион тонна пахта машинада териб олинди. Ҳадемай, пахтаимиз кўзланган марра — 4 миллион тоннага етди!

Улуғ Октябр байрамини совет халқи билан бирга социализм мамлакатларининг халқлари, қардош партиялар, халқлар ишчилар синфи, миллий озодлик учун курашган халқлар, барча илгор инсоният байрам қилди. Ҳамма қитъаларнинг миллион-миллион кишилари Октябрнинг шонли, шарафли галабаларини чин қўлдан қайта-қайта олишмоқдалар ва кутламоқдалар!

Совет Иттифоқи Октябрнинг шонли 50 йиллигини куч-қудратини барқ уриб ривожлантирган ва бутун дунёда обрў-эътибори ошиб кетган инсоният таракияти учун курашнинг олдинги сафида бораётган аюмий тарихий шаронда кўтиб олди. КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети ва РСФСР Олий Советининг Москвадаги Съездлари саройидаги тантанали мажлисида КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг қилган донолигида, партия ва ҳукумат раҳбарларининг нутқларида, меҳнатшароитининг юбилей йиғилишлари ҳамда митингларида жуда кўп давлатлар ва қардош партиялар вакиллариининг сўзлаган нутқларида Улуғ Октябр социалистик революциясининг жаҳоншумул тарихий аҳамиятига жуда юксак баҳо берилди. КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Советининг совет халқига мурожаатини мамлакатимиз кишилари гоҳида кўтаринин руҳ билан қарши олди.

Бундан ярим аср муқаддам Совет Иттифоқи социализм дея қадам қўйган ягона мамлакат эди. Эндилкида жуда кўп мамлакатлар ва халқлар ана шу йўлдан бормоқдалар. Жаҳон социалистик системаси тарихий таракиятининг кудратли омили бўлиб қолди. Жаҳон социалистик системасининг вужудга келиши империализмининг дахшатга солди ва унинг емирилишини тезлаштириб юборди.

Улуғ Октябр Ватани — Советлар дийрининг бунёдкор, икдор ва яратувчи халқи ягона мансаб — коммунизм галабаси сари ишонч билан олға бормоқда. Октябр байроғи остида, ленинчи Коммунист партия бошчилигида мамлакатимизда коммунизмнинг тўла тантана қилиш муқарраридир.

УЛУҒ ОКТЯБР ИШИ АСРЛАР ОША ЯШАЙ БЕРАДИ!

КАТТА ҒАЛАБА

Ўзбекистон қишлоқ ҳўжалик меҳнаткашлари КПСС XXIII съезди қарорларини амалга ошира бориб ва умумхалқ байрами — Улуғ Октябр социалистик революциясининг 50 йиллигини муносиб кўтиб олиш учун социалистик мусобақани кенг қизитиб, катта меҳнат галабасига эришдилар — давлатга пахта сотиш планин мuddатидан илгари 8 ноябрда бажардилар. Ватан 3 миллион 800.000 тоннадан энгил пахтани қабул қилиб олди. Тайёрланган пахтанин 82 проценти биринчи сортларга қабул қилинди.

Қорақалпоғистон АССР ва республикадаги барча областларнинг пахтакорлари табиий офатлар ва ҳосил йиғим-терими даврида бўлган егинчилик туйғайи юз берган қийинчиликларни бартараф этиб, пахта тайёрлаш планиннинг бажарилишига муносиб ҳисса қўшдилар.

Андижон областининг колхоз ва совхозлари давлатга 694 минг тонна, Қарғона областининг колхоз ва совхозлари 501 минг тонна, Сирдарё областининг колхоз ва совхозлари 466 минг тонна, Тошкент областининг колхоз ва совхозлари 352 минг тонна, Бухоро областининг колхоз ва совхозлари 350 минг тонна, Самарқанд областининг колхоз ва совхозлари 345 минг тонна, Хоразм областининг ҳўжаликлари 337 минг тонна, Сурхондарё областининг колхоз ва совхозлари 315 минг тонна, Қорақалпоғистон Автоном республикасининг колхоз ва совхозлари 234 минг тонна ва Қашқадарё областининг колхоз ва совхозлари 206 минг тонна пахта сотдилар.

Тошкент, Хоразм, Бухоро, Сурхондарё, Қарғона, Сирдарё, Қашқадарё областлари ва Қорақалпоғистон АССР пахта тайёрлаш планин ошириб бажардилар ва ҳозир давлатга план-

дан ташқари пахта топширмоқдалар. Самарқанд ва Андижон областлари планин бажариш арафасида турибди. Қўрқ совхозларида пахта етиштириш йил сайин кўпаймоқда. Мирзачўлдаги совхозлар ҳозирнинг ўзидаёқ давлатга 113 минг тонна пахта топширдилар.

Шонли механизаторлар пахта тайёрлаш планиннинг мuddатидан илгари бажарилишига катта ҳисса қўшдилар. Бу йил масумда республика далаларида 25 мингтадан ортиқ пахта териш, минглаб қўсак териш машиналари ва подборщиклар ишлади. Бу йил пахта териш машиналари билан 1,5 миллион тонна ёки барча тайёрланган пахтанин кериб 40 проценти терилди. Машиналар билан биринчи марта ана шундай кўп миқдорда пахта терилди.

Барча тайёрланган пахтанин қериб 70 проценти машиналар билан териб берган Сирдарё ва 65 проценти териб берган Тошкент областларининг механизаторлари айниса катта муваффақиятларга эришдилар. Қўпчилик районлар, колхозлар ва совхозлар деярли барча ҳосилни пахта териш агрегатлари билан йиғиб олдилар, машина теримининг салмоғини 80-90 процент ва ундан ҳам кўпроққа етказдилар. Пахтакор, Пахтакор, Мирзачўл, Оққўрғон районлари ва бошқа бир қатор районларда топширилган пахтанин 80 проценти машиналарда терилди. Мирзачўл ерларидаги қўрқ «Самарқанд» совхози тайёрланган 10 минг тонна пахтанин ҳаммасини, «Пахтакор» совхози ҳосилнинг 90 проценти, «Ўғулбоғ» совхози 96 проценти машиналарда териб олди.

Қўпчилик меҳнат-ҳайдовчилар 150-250 тоннадан пахта теришди. Пахта тайёрлаш давом этмоқда. Яқин кунларда социалистик мажбурият ҳам бажарилади. Мамлакат камида 4.000.000 тонна Ўзбекистон пахтасини қабул қилиб олади.

Бу муваффақиятларнинг ҳаммаси колхозчилар, совхозларнинг ишчилари, механизаторлар, қишлоқ ҳўжалик ва сув ҳўжалиги мутахассислари фидокорона меҳнат қилганликлари, КПСС Марказий Комитети ва Совет ҳукумати катта ардам кўрсатганликлари, республика партия, совет ва қишлоқ ҳўжалик органлари ташкилотчилик ишларини моҳирлик билан олиб бораганликлари туйғайи қўлга киритилди.

Юбилей йилида қишлоқ ҳўжалигининг бошқа тармоқларини юксалтиришда ҳам катта муваффақиятларга эришилди. Пилла, қорақўл тери, луб экинлари, дон, шу жумладан шол, сабзавот-полиз экинлари маҳсулоти, мева, узум, тухум ва жун тайёрлаш планинни ҳам ошириб бажарилиди. Давлатга гўшт ва сўт сотиш планинни бажарилади деб қолди.

Республика қишлоқ ҳўжалик меҳнаткашлари пахтанин қолган қисминини йиғиб-териб олиш билан бир қаторда, келгуси йил ҳосили ҳақида ўйлаб, ҳамма ерда кузги шудгорлашни ва кузги дон экишни давом эттирмоқдалар, кузги-қишки агротехника ва мелiorация тадбирларини амалга оширмоқдалар, чорва молларининг қишлоқини намунали ўлказишга тайёрларли кўрмоқдалар. Янги марреларни эгаллаш, беш йиллик план топширикларини мuddатидан илгари бажариш учун социалистик мусобақа фронти кенгаймоқда.

ШОДИЁНА

қасида

Нега буюкун ноинотда
Узгача шодлиқ,
Нега буюкун табиатнинг
Шавқи узгача,
Гул кўтариб навбахордек
Жавлон уради
Хазон фасли деб аталган
Уйчан нузгача,
Нега кўйш чехрасида
Аниб табассум,
Нега буюкун чечакларда
Узгача қанда,
Қандай буюкун шодлигини
Юксак баҳо берчиди, КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети ва РСФСР Олий Советининг Москвадаги Съездлари саройидаги тантанали мажлисида КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг қилган донолигида, партия ва ҳукумат раҳбарларининг нутқларида, меҳнатшароитининг юбилей йиғилишлари ҳамда митингларида жуда кўп давлатлар ва қардош партиялар вакиллариининг сўзлаган нутқларида Улуғ Октябр социалистик революциясининг жаҳоншумул тарихий аҳамиятига жуда юксак баҳо берилди. КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Советининг совет халқига мурожаатини мамлакатимиз кишилари гоҳида кўтаринин руҳ билан қарши олди.

Тавсифингга мен шуъладим
Қалам йўнаим,
Заррин уйғ қорғоз бўлсин,
Йўқ, бўлмаган, ахир сеннинг
Кўмуш тоғларинг
Шавқатингга аризулик
Энг буюк достон,
Сен-ку ўзинг бу достонини
Оқ далада
Қора кўнунинг нури билан
Йил бўйи битган,
Сен-ку ўзинг бу достонини
Ички йўл билан
Эллик ёшлик ҳур улнага
Армуғон этган.
Омон бўлсин далаларининг
Фахри гурури
Офтоб ўлган, еллар қучган
Метин биланлар,
Омон бўлсин жаводларининг
Ақил шуури,
Ер титратиб наъра тортган
Темир юраклар...
Улкан бўйлаб неаэтир
Зўр шодина,
Жўр овоз бўл, куйла менин
Эй қувонч торим.
Неча улкан довоилардан
Ошиб мардона
Ғалабанинг маррасига
Етди дийрим.
Шундан буюкун ноинотда
Узгача шодлиқ,
Шундан буюкун табиатнинг
Шавқи узгача,
Гул кўтариб навбахордек
Жавлон уради
Фасли хазон деб аталган
Ханда уради
Хирмонларинг қаршисида
Дол бўлса кечир.

Бошимиз кўкка етгудай

Тоғлардан ҳам баланд хирмон
уйдингиз, қондош элимнинг марду
ейтиштирган ана шу пахта хирмонининг салобатидан бизнинг
ҳам бошимиз кўкка етгудай.
Қишда пахта тайёрларли кўриб,
баҳорда тинчмай, ёзда чарчмай,
ейтиштирилган пахтанин кўз
иниб қисқа фурсатда йиғиштириб
олиш учун кураш мусобақасида
чинакам голлибни кўрсатди.
Сизнинг 3 миллион 800 минг
тоннадан энгил «оқ олтин»нинг
мамлакатимиз халқ ҳўжалигини
юксалтиришга муносиб ҳисса
қўшди. Юбилей йилида 4 миллион
тонна пахта ҳосили йиғиб-териб
олиш учун кураш дағи гайрат-шижоатингизда
муваффақиятлар тилайман.

Кимёхон РАҲИМОВА,
Андижон балний буюмлар
фабрикасининг чевари.

Қувонч устига қувонч

Мен Тошкентга келганимдан
бўён пахта ҳосили етиштирилган
лигини икки марта кўрдим. Ҳар
икки нузда ҳам планин орттириб
бажарганлигингиздан ҳурсандман.
Айниқса, мамлакатимиз
элик Ўшга тўғайи йили жуда

Тадриқ ва Қутлов

улкан хирмон уйғайингиз —
пахта етиштириш юзасидан бел-
гиланган планин мuddатидан ил-
гари адо этганлигингиз қувон-
чимга қувонч қўшади.

В. СЕТОСОВ,
Харкўв қурилиш поездининг
гизш терувчиси.

Зафар муборак

Республикамиз пахтакорлари
Ой-Ватан оқиборига 3 миллион
800 минг тонна «оқ олтин» тўғиб,
адолат олдиди! Сўзларининг
устидан чинқарилганларини
ошди, чин қўлдан қувонди. Бу
улкан хирмонда, томон бўлса
ҳам ҳиссамиз борлигидан фахр-
ланамиз. Биз аъло ўқиб, олоб ва
ахлоқда намуна кўрсатиш билан
бирга партия ва ҳукуматимизнинг
ҳар қандай топшириқларини
бажаришга доим тайёримиз. Давлат-
имизнинг қудрати қанчаллик ошса
унинг самарасида бутун халқ, бу-
тун ёшлар баҳраманд бўлади. Шу-
нинг учун ҳам пахта йиғим-тери-
мида катталик, халқ фаровонли-
ги, коммунистнинг мўл-қўчилиги
йилида қилган катмарона кизма-
тимиз бизга қанот бағишлайди.
Ўзбек халқининг юзини ўз пах-
тасидан нурафшон этган, катта

меҳнат галабасига эришган пахта-
корларимизга минг раҳмат.
М. ЗИЕВА,
Тошкент Давлат университетининг
студенти.

Бизнинг ҳам ғалаба

Пахта — ифтихоримиз, пахта —
бойлигимиз, «Оқ олтин» юзасидан
олган план бажарилган экан, у
биргина пахтакорларининг зафари
бўлмай, биз энгилларнинг ҳам
улкан ғалабамиздир.
Улуғ айёмини кўп улар кўмуш
хирмонлар билан яна ҳам фаяз-
ли, яна ҳам қувончли қилган
меҳнатсевар пахтакорларимизга
икки қўлимизни қўйимизга
қўйиб, таъмин этамиз. Биз ко-
мунизм авлодларини тарбиялаш-
га, уларни етук кишилар қилиб
вонга етказишга, илмининг олтин
чашмаларидан баҳраманд этишга
бутун кучимиз ва билимимизни
сарф қилиб, пахтакорларимиз
яқин зафар кўнишга янада гайрат,
янада шижоат билан ҳаркант қи-
лаемиз. Бутун халқни, талабалар-
имизни қийинтириётган бобо дек-
ноларимизга сикхат-саломатлик
узоқ умр тилаймиз.

Раҳим СИДДИҚОВ,
республикада кизмат кўрсатган,
Ленин орденли ўқитувчи.

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РАПОРТ БЕРДИ

Қорақалпоғистон Автоном респу-
бликасининг қишлоқ ҳўжалик меҳ-
наткашлари КПСС XXIII съезди қар-
орларини амалга ошира бориб ва
Улуғ Октябр социалистик револю-
циясининг 50 йиллиги шарафига
меҳнат ваҳтасида туриб, дав-
латга пахта топшириш йиллиги
планин мuddатидан илгари ба-
жардилар. Тайёрлов пунктларига
234 минг тонна «оқ олтин» топ-
ширди. Ҳосилнинг 40 проценти
машиналарда териб олинди.

Хўжайли райони пахта тайёрлаш
планин Автоном республикада
биринчи бўлиб бажарди. Турт-
қул, Беруний, Амурда ва Чим-
бой районларининг деҳқонлари
эришилган муваффақиятга сал-
моқли ҳисса қўшдилар.

Улаб ҳўжаликлари пахтадан
мўл ҳосил етиштиришди. Тўртқул
районидида Меҳнат Қизил Байроқ
орденли Мансим Горный номи
колхоз ҳар гектар ердан давлатга


37 центнердан, КПСС Марказий
Комитети, СССР Олий Совети Пре-
зидиуми, СССР Министрлар Со-
вети ва ВЦСПСнинг Эсдалин байро-
ғи билан муқофотланган Илчи
номи колхоз эса 36 центнердан
пахта топширди.

Қорақалпоғистон пахтакорлари
КПСС Марказий Комитети, СССР
Олий Совети Президиуми ва СССР
Министрлар Советининг совет
халқига Муронаатига жавобан
барча етиштирилган ҳосилин йи-
ғиб-териб олиш ва давлатга яна
35 минг тонна пахта топшириш
мажбуриятини олдилар.

Колхозчилар, совхозларнинг
ишчилари пахта ва бошқа экин-
лар ҳосили йиғим-теримини ту-
ғаллаш билан бир қаторда, келгу-
си йил ҳосили учун нуағи-қийин
ишларини, шунингдек чорва мол-
ларининг тўқ қишлоқини таъмин-
лаш тадбирларини қизитиб юбор-
дилар.

Тошкент области. Оққўрғон пахта қабул қилиш пункти
шу кунгача 10 минг тоннага яқин «оқ олтин» қабул қилди.
Пунктда пахта қабул қилиш қизгин давом этмоқда. Суратда:
Оққўрғон пахта қабул қилиш пунктининг кўриниши.
Қ. Розиков фотоси.

(ЎзТАГ фотохроникаси).



ПАХТАКОРЛАРИНИНГ



Суратдаги бу азамат Сирдарё районидagi «Қизил октябрь» колхозининг комплекс механизациялашган звено бошлиғи Исроб Муродов. Ўртоқ Муродов бошлиқ звено коллективи юбилей йилида фидокорона меҳнат қилиб, пахтадан мўл ҳосил етиштирди, 70 гектар майдоннинг ҳар гектаридан давлатга пландаги 27 центнер ўрнига 35 центнердан оқ олтин сотди. Ҳосилнинг ҳаммаси фақат «зангори кема»ларда терилди. Уста механизатор Муродовнинг ўзи машина бун-керидан 150 тоннадан ортиқ пахта тўқди.

А. Тўраев фотоси.

БАХТ ТОНГИ

Бундан 50 йил муқаддам бу улуг тонг байрамнинг туғилиши шундай ёруғликнинг, тобора дилларга, элларга, ерларга ёйилиб кетадиган нури дўнинг, асрлардан асрларга ўтган сари тиниб, тўқиб борадиган янги турмуш тонгининг отиши эди.

Энди томоша қилинг, менинг азия ватан, дошим, ифтихор қилинг, негаки, бу давр сизнинг даврингиз, бу давр Батани—сизнинг она туғруннгиз, бу порлоқ Совет тақдир—сизнинг бахтиёр тақдирингиз.

Оҳ, бизнинг боболаримиз, буви-ларимиз, бизнинг оғир қисмат бандалари бўлган аждодларимиз не тариқа ҳаётда тирикчилик қилиб, не армон билан дунёдан ўтдингиз.

Меҳнат танҳо юпанчингиз бўлди. Билаларингиз, ақл-идроқларингиз қасру саройлар кўрди, экин экиди, боғ кўкартирди, бойлик неъмат яратди—лекин ўзларингиз бошпанасиз, юпун, қашшоқликда кун кечирдингиз.

Сизчи менинг ўтмишдаги бечора буви-жонларим, онажонларим! Баъзан фикр келаси чўчалиб узоқ ўтмишга кириб, адашса кетаман, сизнинг муғли, муте ҳаётингиз гирдобига тушиб қоламан. Сизнинг ҳаётингиз ҳам мунг, қўшингиз ҳам мунг, янги ва исбонингиз ҳам мунг тўла эди.

Мана сизнинг узоқ ўтмишдан келадиган овозингизни эшитиб турибман! Нотавонман бу на шарафсиз замон. Чеким ё дўзахми бу зулматга қон, Тонги йўл, оқшоми йўл бу кенг мажон. Биз аёлларга нафасдай тор эман. Бир нафас кўз очгани кўймайди зор,

Кўрагинми доғ этиб, тўймайди зор, Бу қаро давр ичинда тамғуздор, Шурли қисмат бу ватанда хор эман, Тим қора сочимми ё бахтим қаро, Ишқ ношкор, дил мотамсаро. Умр утар қашшоқ тутунлиг аро, Бизга то улғунча зулмат ёрминан?

Бенанотман, тортганим танҳо азоб, Дил қароб, нулбам қароб, ўлам қароб, Нур сароб, ҳурилик сароб, орзу сароб, Бизга рўшнолик бирор кун бормикан?

Эҳ ҳе, бундай зорларнинг ниротиғига этиб буларинди! Бундай зорларни ким тингларди, шурли туғругини зулмат қоплаган у замонда!

Лекин юрак бағри дарди қонга тўлган, авлоди билан кучи, ақл-заковати зулматини янқиб, бизга иқтилоб ғалабасини, Октябрь тонги берди.

Тонг қўшиб, тонг нури ҳамма ёққа янги жилва бергандай. Октябрь ғалабаси ҳам бизнинг ҳаётимизга, янги озода меҳнат, янги турмуш, ўқиш, қуриш, илм маърифат бўлиб кирди. Меҳнатқаш ҳаётини тубдан ўзгартириб, уни ҳаёт юзига олиб чиқди. Энди менинг онажонларимнинг, дўгонларимнинг қўшқилари ҳам янги, ёрқин маъно, қудратли ишонч қасб этди.

Янги Шарқ устида болқинди иқтилоб. Тақдирини еритди ёрқин офтоб, Зулматнинг, кулфатнинг отилиди тахти, Меҳнатқаш инсоннинг очилди бахти.

Бу кураш бу зафар—Ленин сен ўзинг, Паранжи қимматини отди қиз-жувон, Ҳаётга тенг озода бонди қиз-жувон, Бахт тўқиб, илм ўқиб, ижод ҳар ҳаёл, Ҳур замон соҳиб бўлди ҳар аёл, Бу ишонч, бу қувонч Ленин сен ўзинг, Бу танг, бу қамол Ленин сен ўзинг.

Менинг азия ватандошим, менинг суянган, суюнчирганим! Қўшқиларимнинг ман-бай ва устози, муаллифи ва мунқиди бўлган заршунос халқим! Сизнинг эркинги, меҳнатингиз, давлатингиз, бахтиёрлигингиз, санъаткорлигингиз, кенг бағригингиз, маддини, қўшингизни замонамизнинг ҳамма

адиб ва шоири тарануми этса ҳам адо бўлмайди.

Сизнинг янги тарих яратишдаги таққосиз ҳақрамонлигингиз, ва яратувчилигингизни ҳали келажак ҳам кўялмайди.

Бу буюқ 50 йиллик тонг шуъласида қайси ҳақрамонлигингиз, қайси қашфнингиз ҳақида ёзай?

Шундай ранглар борки, асрлар қорни юшиб, ёмғир саваши ва буронлар си-дириши унинг жилавасини заррача йўқотмай ўтиб бораверади. Негаки у рангларни ин-сон тафаккури, ҳақоси яратган, унинг меҳнати ва кўз нури бор этган бўлади. Шундай овозлар бўлдики, уни ҳаммаша эшитиб турмасангиз ҳам, сезиб, ҳис этиб тураверасиз. У сизнинг ҳаётингизнинг узвий қисми бўлиб қолади.

Мана, Октябрь ғалабасидан эжаонга жар солган Аврора бонги! Уни биз ҳозир эши-тиб турганимиз йўқ, аниққа аш авлод, лекин уни ҳаётимизнинг ҳамма жилавасида, шодлигимиз замонасида, ғалабаларимиз, ифтихориди, меҳнатимиз зақида кўриб, ҳис қилиб турамиз. Негаки, ҳаммаси янги давр меваси, янги имкониятлар, янги му-носабатлар самараси. Бу янги, янги, янги деганимиз қудратли ибора ўша Аврора бонг урган тонгдан бошлаган ўз янги қуд-ратли қоришини.

Бу янги қамол ва ҳусн—янги қуришган фабрика ва заводларимизда ва янги обод қилинган, гуллаган аҳолига айланган оҳи-даҳаларимизда: янги мактабларимиз ва доирлфунунларимизда, янги қасб, янги унволаримизда. Ана шу янгиликларнинг қайси бирини ёзай?

Дўстлигингиз бомба ҳам пайхон қила ол-маган қудратли кучданми, биродарлигингиз меҳрибон паноҳидан сўзлайми, Совет дав-латимизнинг беминат соҳиллариданми, ёки партиямизнинг эртангига эмас, келажак асрларни ҳам тиниқ кўрсатиб турган донишмандлигидан қалам тебратайми? Қанча қуйласак, қанча мадҳ этсак яраша-диган 50 ёшга кирган ёрқин тақдир эғала-

римиз. Бу тақдирнинг кураши ва ғалаба-си, шодлиғи ва дарди, меҳнати ва роҳати, ажойиб бугунги кун ва аниқ режа-орзу-лар билан тўлиқ келажак—барча ўзини-қилим!

Биз ана шу олий мақом тақдирини бўлган Октябрнинг 50 йиллиғи, шодона байрам қилдик. Улуг иқтилоб ёққан озо-длик маънаси бизга бахт-иқбол, коммунизм йўлини еритиб турибди.

Шоирнинг доҳиёна бир мисраси ҳаммаша дилимдан ўтаверади бундай пайларда.

Узим ҳар жондан, кўнглим сандадир: Ҳа, қаерда бўлмайлик, дилимиз Совет Социалистик Республикалар Иттифоқи деб аталган маълум ва машҳур Ватан билан, яхлит оиламиз билан. У бизнинг қалбимиз, биз унинг дилпарчаси.

Неқадар ажойиб абади Октябр тонги от-ган менинг Ватаним туғруғи устида. Унинг қўши нурини жамула олам кўриб турибди. Менинг юракларимни илк муҳаббат ҳисси-дай эритиб турибди, бу нур, бу шу буюқ туғруқнинг оддий граждани, мардуми бў-лиш на қадар муштоқ бахт!

Коммунизм нури қўқилари тобора яқин-лашаётган шу ажойиб онларда менинг яго-на орзум—муқаддас тилакларим нима экан деб дилимга қулоқ соламан: Ва орзуларим, қувончларим, ифтихорим бутун халқ орзу ифтихори билан ҳамбарчас боғлиқ эканини ҳис қилиб қоникиб топаман.

Режаларимиз, планларимизга назар таш-ласак, ўз ҳаёт ва ўз тақдиримизни янада фаровон, янада барқамол кўраман. Меҳнат янада унумли ва қувончли, иxtиролар яна-да йирик ва ҳайратли, парвозлар янада баланд ва қудратли, муносабатлар янада савимчи ва мусоффо.

Бу бизнинг замон: Ана шу гўзал тақдир—бизнинг муштоқ тақдир. У—аср-асрларча қамол топарсин, фарзандларимиз, авлод-ларимиз тақдир бўлиб, боқий, барқарор бўлсин!

АМУДАРЁ «ОҚ ОЛТИН»И

Қ. КАМЛОВ,

Қорақалпоғистон область партия комитетининг биринчи секретари.

Қорақалпоғистон Автоном Республикаси меҳнатқашлари юбилей йилида ҳар қачонгидан ҳам барқамол иш қилдилар. Байрам тантаналари кун-лариди маълумки 234 минг тонна пахта ети-зиб берилди. Илгил план муддатидан илгари ошириб адо этилди.

Бу ғалабага осонлик билан эришганини йил, албатта. Бу йил Автоном Республикаси пахтакор-лари учун лойлиқ синов йили бўлди. Баҳорда об-ҳаво жуда ноушай келди. Агач майдонларга чигитни қайта етиштириш тўғрисида меҳнатқаш-ларнинг ил-идронги, сабр-тоқати, азамат техник-ларнинг завоабаст кучи табиат қийинчиликлари устидан ғолиб чиқди. Одамлар йил бошида бер-ган ваздаларининг устидан қийин учун куч ва ғайратларини деҳқончиликда ортирган тажри-баларини мутлақо аямаллар. Мана бугун ана шуларнинг самараларини кўриб, бағоят хурсанд бўлмоқдамиз.

Бу йил натта қийинчиликларга дуч келди, деб айтишимиз. Бу қийинчиликлар асосан нима-лардан иборат? Даставвал, аниқ баҳорда Аму-дарёда сув оймай қолди. Нега десангиз, Тахиа-тошда дарё тўсиқли. Сувин Ленин номи, Қи-янетан каналларига тўлаш имконияти бўлмади. Бир ойдан эиберок ният давомиди сув камчи-л бўлиб турди. Шунга кўра, чигит етиш муддати бир ойга қўнаниб кетди. Область партия комитети барча коммунистларни, Автоном Рес-публинада истиқомат қилаётган ҳамма киши-ларни пахта учун курашга сафарбар эта олди. Чигит кеч экилган бўлса-да, гўзалар униб чи-қиш билан оқ парварини қизитиб юборилди. Агр-ротехника тадбирлари ўз муддатларида бир-бири-га боғлиқ ҳолда олиб борилди.

Партия ташкилотлари пахтакорлар ўртасида жуда натта есилай тушунишга ва оммавий-ташкилий ишларни олиб бордилар. Дала ший-понлари чигитнинг ақиллигини ҳақиқий маркази-га айлантирилди. Қўл соғил агитаторлар ўзлари ишда ўрнак кўрсатиш билан бир қаторда, одам-ларни ҳам барқамол меҳнатга илҳомлантирдилар. Улар янги ва самимий сўзлари, ҳақиқий ишлари билан кишиларнинг қалбини йўл толдир-лар.

Ана шуларнинг ҳаммаси ишмишга натта ма-дд бўлди. Тўртгўл районининг пахтакорлари Автоном Республика «оқ олтин» хирмониға мў-носиб ҳисса қўшганиларини алоҳида таъкид-лаш керак. Район бўлича ҳар гектар майдондан 30,5 центнердан хирмон кўтарилди. Давлат омор-ларига 54 минг 100 тоннадан эиберок пахта қў-йилди.

Амударё райони 35 минг тонна, Бируний рай-

они 32 минг тонна, Хўжайли райони 20 минг тоннадан эиберок пахта топширилишига эриш-дилар. Бу районларнинг далаларида ҳали ҳосил кўп. Пахтакорлар социалистик мажбуриятини ҳам ошириб адо этиш учун бутун куч ва ғайратларини аямал меҳнат қилишмоқти.

Мўл ҳосил етиштирган хўжайилар партия ва ҳукуматимиз томонидан мўносиб тақдирлан-дилар. Юбилей йилида Тўртгўл райониди Мам-сим Горький номи колхоз Меҳнат Қизил бай-роқ ордени билан, шу райониди Илгич номи колхоз КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми, СССР Министрлар Совети ва ВЦСПСнинг Эсдалик байроғи билан, Амударё райониди Крупная номи колхоз Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ва республика насаба союз-лари Советининг Эсдалик байроғи билан тақдир-ландилар. Мазкур хўжайилар ҳосилдорлиғини 40 центнерга етказиш учун астойдил курашмоқ-далар.

Автоном Республикада ана шундай илгор хў-жайилар соғил кўп. Шу билан бирга бу йил йўлғина йлгор бригадалар бундан ҳам юқори ҳо-сил етиштирилишини таъминладилар. Бируний райониди «Правда» колхозидан Раҳмон Бек-ниёзов, «Бируний» номи совхозда Раҳмон Эр-жонов, Тўртгўл райониди Димитров номи колхоздан Исхандар Оллоберганов, Илгич номи колхоздан Султон Отайонов, Амударё райониди Мамсим Горький номи совхоздан Матёуб Авазбоев номи йўлғина бригадалар ҳар гектар майдондан 40-45 центнердан ҳосил кўтардилар.

Қорақалпоғистон далаариға ҳам машиналар кенг қўламда кириб келмоқда. Республика бўй-ича топширилган ҳосилнинг 40 проценти «зан-гори кема»ларда териб олинди. Далааримизда 1500 талдан эиберок агрегат ишлаб турди. Тўрт-гўл, Бируний, Амударё районларида машина те-римини топширишда олиб бориладилар.

Қорақалпоғистон далаариғида пахта ҳали бор. Тағин 35 минг тонна «оқ олтин» териб олиб, дав-латга топшириш учун ҳамма имкониятларга эга-миз.

Қорақалпоқ эли серкўш Ўзбекистонимиз пах-та планини бажарганлиғи ҳақиқда хўшабдорни қизғин кутиб олди. 3 миллион 800 минг тонна-лик улган хирмонга биз ҳам улш қўшганили-миз билан фархатланмоқдамиз.

Шу кунларда пахта теримини сира сувайтирил-гани юе. Аниқ вақтда қузиш-терим тадбирлар ҳам маромиди ўтказилмоқда, келгуси йил ҳосилиға пухта амин яратилмоқда.



П о райониди «Москва» колхозида бу йил етиштирилган ҳосилнинг кўпчилиги қисми «зангори кема»ларда териб олинди. Ҳосил йнгим-терими қизғин давом этаётган кунларда ЎзТАГ фотомухбири Г. Бойно колхоз даласида бўлиб, пахтазорда бир текис сузаетган машиналарни суратга олган эди.

ПАХТАКОРЛИК НОМИНИ ШАРАФЛАЙМИЗ

Исхон ҳаётда маълум мақсад билан яшайди. Яхши режа ту-зади. Юксак нўқиларини кў-лаб олган иштида. Орузсен рў-баб чиққан иштида янги ис-тисалар пайдо бўлади. Биз лннгича колхозимиз терито-риясида ариқлар лиммо-лим тўлиб сув оқибини, қондириб гўза сугориб, пахтадан юқори ҳосил олишни, богдорчилик, сабзавотчилик ва бошқа тар-моқларни комплекс тарақий қилтиришни оруз қилар эдик. Эндиликда орузимизга эришдик.

Пачамаз сув омборининг ку-рилиши Ўзур меҳнатқашлари-ни, шу жумладан колхозимиз меҳнат ақлининг сувга бўлган талабини қондириди. Бунинг учун партия ва ҳукуматимизга чин юракдан миннатдорчилик изҳор етамиз.

1000 гектардан эиберок майдон-да гўза ўстириб, гектаридан салкам 30 центнердан «оқ ол-тин» хирмони кўтардик. Ваҳо-лонки, ўтган йилларда шартли сугориладиган ана шу майдон-лардан зўрга 15-16 центнердан пахта олган эдик. Пахтанинг алып микдори қарийб 1500 тонна қўнайди. Колхоз пахта-чилик тарихида бундай натта муваффақиятга эришилганини бобо деҳқонлар ҳам еслай ол-майди.

Сув омбори бошқа соҳалар-ни ҳам мисли кўрилмаган суръ-

ат билан юксалтириш имкония-тини беради. Яқин йилларда хўжайилимизнинг сугорилади-ган экин майдонлари янги ер-улаштириш ҳисобига 4 минг гектарга кенгайтирилади, кол-хозимиз Қашқадарё воҳасидан йирик ва юқори ҳосилли пах-такор хўжайилардан бирига айланади.

Областимизнинг сугорилади-ган районларидаги хўжайилар гектаридан 40-45 центнердан пахта ҳосили олаётганини эш-тиб, ўшаларга тенглашишни оруз қилар эдик. Сув омбори курилиши, халқимизнинг жо-бозлик билан қилган меҳнати туфайли бу орузимизга ҳам эришдик. Колхозимизда юқори ҳосил элашнинг янги от-ряди қамол топди. Республи-када хизмат кўрсатган пахта-

кор Назар Меликулов, Аҳмад Бердиев, Суяр Нормуродов бошлиқ бригадаларда ҳосил-дорлик гектар бошига 40-42 центнерга етди. Исмаил Мели-ев, Холмат Ашуров, Холмамет Эшқобилев, Саъдулла Хусанов бошлиқ бригадалар ҳам ўша-ларга ёндашиб боришти. Рес-публикада биринчи бўлиб пах-та таёрлаш планини бажарган колхозимизда 30 центнердан кам ҳосил олган бригада қол-майди.

Еримиз шартли сугорилади-ган бўлгани учун ҳосилдорлик ласт эди. Мавжуд ҳосил қўлда терилиб, машиналарга иш то-либ беролмасди. Юбилей йи-лида вазият бутунлай ўзгарди кетди. Ҳар йилдан кўп пахта етиштирилгани туфайли йнгим-теримда ишчилик қолди. Шун-дай титиз паллада деҳқоннинг жонига машиналар дармон бў-ди.

Юқоридаги мисолларнига колхозимизда пахта чи л и к и н кескин ривожлантириш ва оғир меҳнат талаб қилдиган иш-ларини тўла механизациялаш учун жуда натта имкониятлар мавжудлигидан далолат бера-ди, биз истиқбол режаларини шунга қараб тузаямиз. Келгуси йилдаёқ пахта ҳосилдорли-гини гектар бошига 35 центнер-га кўтарамиз.

Мўл ҳосил—катта даромад келтириди. Юбилей йилида иш-лаб чиқариш планида кўзда тутилганидан 608 минг сўм кўп даромад олш кўзда тутил-ди. Бунинг боиси шуки, юқорида айтилганидек, пахта-нинг тоннаси орди, сорти ях-шиланди. Давлатга ишла, дон, сабзавот, полз экинлари маҳ-сулотлари сотиш планлари 1,5-2 ҳисса қилиб бажарилди.

Чорва маҳсулотлари тайёрлаш топшириқлари сўзсиз ўрилла-нади.

Партия ва ҳукуматимиз меҳ-натни таъиниш этидида шахсий манфаатдорлик принциплари қатъий риоя қилиш зарурлиғи-ни таъкидламоқда. Правление ва партия комитети ўзининг бутун фаолиятида ана шу қои-дада қатъий амал қилдилар. Қўл ва юқори сорт маҳсулот етиштириш бригада ва асно-лар кўп ҳисс олади, жон қилди-риб меҳнат қилган кишилар хизматига яратил тақдирлана-ди. Шунинг кўрсатиш ифояси, бу йил колхозчиларнинг бир иш кунини кўзда тутилган 2 сўм 20 тиғин ўрнига 3 сўм 50 ти-ғинини ташкил етди. Кўпчилик хўжаликлар бир йиллик меҳ-нат кунини ва етиштирган маҳсу-лот микдорига қараб 3-3,5 минг сўмгача даромад олади. Меҳа-низаторларнинг иш ҳақи бун-дан ҳам кўп бўлади.

Юбилей йилида колхознинг янги, колхозчиларнинг шахсий даромади кескин қўнайди. Бу эса курилиш ва ободотчилик соҳасида натта тадбирларни амалга ошириш имкониятини беради. Мана бир мисол: колхоз территориясида янги Халқ-обод посёлкаси қад кўтарди. 350 колхозчи оиласи даниғлла-ма уйларга кўчиб кидди.

Еш авлодин аийишча хурсанд қилдик икки қават, 480 ўрнили мактаб биноси қурилиб, фой-даланишга топширилди.

Шонли сана—эдик йиллик юбилейни жуда катта меҳнат соғвалари билан кутиб олдик. Лекин ҳали қилдиган ишимиз кўп. Республикамиз пахта пла-нини тўлдирган бўлса-да, дала-ларда ҳосил кўп. Уни теароқ йиштириб олиш, учун биз ҳам титиб тинчимаймиз.

Чорва қишловига пухта хо-зирилиш кўрпимиз. Юбилей йили колхозимиз тарихида давлатга қишлоқ хўжалик ва чорва маҳ-сулотлари етказиб бериш план-лари барча турлари, сон ва сиф-фат кўрсаткичлари бўйича тўла ва ошириб адо этилган йил бў-лади.

О. ҚУЧКИНОВ, Қашқадарь области, Ўзур райониди Карл Маркс номи колхоз раиси.

ЎЗБЕКИСТОН МЕХМОНЛАРИ

Москвадаги октябрь тантане-ларида қатнашган Гваделупа Ром-мунистик партиясининг бош секретари Эрмен Жен ва шу мамлакат Компартияси Марказий Комитетининг аъзоси Ламбер Петиер 9 ноябрь кечкурун Тош-кентга келишди.

Улуг Октябрь социалистик ре-волюциясининг 50 йиллик байра-ми муносабати билан Совет Итти-фоқида меҳмон бўлиб турган Хи-ндистон Вирлашган социалистик партиясининг раиси Шридар Махадев Жоши ҳам шу самолёт билан Тошкентга келди.

Аэропортда меҳмонларни Ўз-бекистон Компартияси Марказий Комитетининг Секретарлари Н. М. Матчонов ва Р. Н. Нишонов, Ўз-бекистон Компартияси Марказий Комитетининг бўлим мудири Р. К. Шонъяматов ва бошқалар кутиб олишди. (ЎзТАГ).

50% юбилей хирмонига

Республика областларида пахта тайёрлашнинг бориши

тўғрисида шу йил 10 ноябрга бўлган

МАЪЛУМОТ

[Планга нисбатан процент ҳисобида]

Областлар	Вир кунда	Шу жумладан машиналар	
		Массум бошладан бўлиб	Вир кунда
ТОШКЕНТ	0,12	113,50	0,05
ХОРАЗМ	0,20	111,18	0,21
БУХОРО	0,26	109,41	0,17
СУРХОНДАРЁ	0,32	105,56	0,14
ФАРҒОНА	0,04	102,06	—
СИРДАРЁ	0,03	101,97	—
ҚАШҚАДАРЁ	0,82	101,11	0,74
САМАРҚАНД	0,07	100,97	—
АНДИЖОН	0,78	98,02	0,36
	0,42	97,15	0,34
Республика бўйича:	0,29	100,30	0,20

ДЎСТОНА СУҲБАТ


Болгариядаги Хасенов округи меҳнатқашларининг Болгария Компартияси округ комитетининг биринчи секретари Г. Кордянов бошчилигида, ҳамда Болгария-даги Ямбол округи меҳнатқашла-рининг округ совети раиси Н. Га-ғимов бошчилигида республика-мизга октябр тантаналарида қатнашшн учун келган делега-цияларини 9 ноябрда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети-нини секретарлари Н. М. Матчо-нов билан Р. Н. Нишонов қабул қилдилар.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг урибосари А. Р. Хўжаев иштирок қилган шу дўстона суҳбатда болгариялик ўртоқлар Ўзларининг яхши кў-тиб олинганликлари учун самимий ташаккур изҳор қилишди. Тош-

кент ва Андижон областлари меҳ-натқашлари билан Болгариядаги Хасенов ва Ямбол округи меҳ-натқашлари ўртасида бўлаётган аъванавий алоқалар кейинги йилларда янада мустаҳкамлан-галиги, бу алоқалар болгар-со-вет дўстлигини ривожлантириш ишига қимматли ҳисса бўлиб қў-шилаётганлиғи қайд қилиб ўтил-ди.

Болгария вакиллари Ўзбекистон халқларига коммунистлик кури-лишда, юбилей йилида олинган юксак мажбуриятларини бажар-ишда янги муваффақиятлар ти-лашди.

Хасенов ва Ямбол округлари меҳнатқашларининг делегалари 10 ноябрда Тошкентдан ва-ташларига жўнаб кетдилар. (ЎзТАГ).



Шукур
МАМЛАКАТЛАРДА

В. И. ЛЕНИН Г А

хонда биринчи социалистик давлатнинг асосини, йўлбошчиси ва устоз Владимир Ильич Ленин хохирасини хурматладилар.

Худай шу кунни чет эл касаба союз делегацияллари ва ишчи ташкилотларнинг аъзолари номаълум солдат қабрига гулчамбар кўйишди. Гулчамбарнинг қизил лентасига: «Фашизмга қарши, бутун инсоният озодлиги ва бахт-саодати учун курашда» узоқини фидо қилган қаҳрамон совет жангчиларига. Чет эл касаба союз делегацияларида деган сўзлар ёзилган эди.

**ВДР УСТИДА УРИБ
ТУШИРИЛДИ**

Ханой, 10 ноябрь. (ТАСС).
Вьетнам халқ армиясининг
жангчилари кеча Нгеял ви-
лояти устида Американинг
бир самолётини уриб тушир-
дилар, деб хабар қилади
ВИА агентлиги. Бу самолёт

Ханой, 10 ноябрь. (ТАСС). Вьетнам халқ армиясининг жангчилари кеча Нгеан вилояти устида Американинг бир самолётини уриб туширишди. деб хабар қилади ВИА агентлиги. Бу самолёт Нгеан вилоятининг шимолий қисмидаги аҳоли зич joyлашган районга ҳужум қилган.

НЬЮ-ЙОРК, 10 ноябрь.
(ТАСС). Американинг учув-
чи бошқармадиган «Апол-
лон» космик кемаси кеча
Нью-Йорк вақти билан соат
15-38 минутада Гавай орол-
ларининг гарби-шимолида
Тинч океан сувига қўйди.
Бу кеманинг учуши саккиз
йрм соатдан кўпроқ давом
эйти. Кемани учуришдан ку-
затилган мақсадларининг би-
ри — Аполлон» типидagi
кемаларни ерга қайтариб ту-
шириш усулини тақомиллаш-
тиришдан иборат эди.

лиги барпо этилди. Бу иккити муна хўнаани хояр ресулаги аҳамиятига эга бўлди. Қолгани эҳтиёт қилинган.

Термиз хайвонот Богдиз ширка-кулудузда 2 мингдан ортиқ 150 хил хайвон бор. Боғимизда 7 та доимий секция ишлаб турибди. Бу секцияларда 1400 ишчи хизмат қилади.

Лама Гуанюи, шотландия отлари, оқ айбиз бегемот, кенгуру; хинд филли қала хайвонлари бар обастъ. Иккинчига ясила моласлиб қолди. Термиз хайвонот Богдиз мамлакатимиздаги хайвонот Богдизларда камдан кам учрайдиган ишонорларни уратиб мумкин. Бегемот, шиппанале маймун; хинд филли

ҚОҶИРА. 10 ноябрь. (ТАСС). Навбатдаги совет кемаси Асводаги қўрилиш-га жами 1 300 тоннадан иборат ҳар хил юкларни йир-лашган Араб Республикаси-га олиб келди. Искандария порти олдида яна битта со-вет кемаси юкни бўшатин

БЕЛГРАД. 10 ноябрь. (ТАСС). ТАНЮГ агентлиги хабар беради: Скоплагади университет сейсмология станцияси Скопленгин тахминан 115 километр шарқи-
жанубида кеча зилзила бўл-
ганлигини қайд қилди. Зил-
зила марказида ер қимир-
лаш кучи олти баллга етган.
Зилзила етказган моддий за-
рар унчалик кўп эмас.

НЬЮ-ЙОРК, 10 ноябрь. Ассошиэйтед пресс агентлигининг мухбири Пасаденадан (Калифорния) ана шу ҳақда хабар берди.

шини яхши якулмақда.
 лар кейинги ўинда ҳа-
 лоси бетона алайини кет-
 «Крылья Советов»
 (Куйбишев) командасининг
 ирилшини енгиб ўтидлар.
 иеллик азаматлар «Крылья
 Советов» дарбозасига икки
 тул киритиб, турнир
 адвалининг ягона пешқада-
 а бўлиб олдлар.

дан ҳал этилди: 1:1. Сўнг ўйилларда маъна-ман командаларининг адабини кел келатган Ереван «Арабат» командаси ўз доинда бирдан «қоқилди» Арман футболчилари Мишахрининг «Динамо» спичиларига 1:2 ҳисобида қазиб қўйдилар.

Кутаиси шахрида Мкваннинг «Спартак» командаси маҳаллий «Торпе» билан ушради. Ҳар икки команданинг уриниши кетди. Ҳисоб 0:0. Бу икки мусобақаларда муваффақиятсизлик билан қатнашди.

«Зенит» (Ленинград) навбатида мағлубиятга учради. «Зенит» футболчилари кула «Нефтяник» билан рашиб даражаларидан тўра жаҳонсиз тўп ўқибордилар. Донецк шаҳри учрашган «Шахтёр» — «Педер» (Москва) командаси биттадан тўп алмашиди. Хисобни 1:1 қилдилар.

8 НОЯБЕРДА Тошкент ҳам футбол мусобақаси бўлиб ўтди. «Пахтакор» диониди Тошкентнинг «Зенит» командаси Фарғона терма командасини қўлга киритди. Бу, Ўзбекистон

бийи 15 кун давом этган собадала Ўзбекистон Республикасининг ҳамма дастларидан командада бўлган. Мусобадаларда мунобиатсиз қатнашиб Фигаро чиндан икки команда «Звезда» (Тошкент) билан Фигаронинг терма командаси ўртасидаги учрашув тошкентликлар фойдасига (2:0) ҳал бўлди. Футбол деражасининг юбилей боғига Тошкентнинг «Звезда» командаси одди.

ЭТАГА 12 ноябрда «Пахтакор» командаси ўз майдонига Лутанск шаҳрининг «Зара» футболчиларини қабул қилди.

йўн эмас. Ютказиши
гап. Ленин, умуми
да бундан республи
моатчилиги ютиб
лади.

Ниятигиз йўдош
син, мухтарам отахо
йинлар от суриб, фи
шларигизни, шахматчи
сига ҳамийа жон
юришингизни тийлай

М. МУХТАРАМ
Ўзбекистон шах
рацийсининг ра
спорт мастери.

Мухтарам Рахмонов

Редактор М. КО

ки уч турман олган. Намиз жамияти буни кичигиз бўлиб, Яна кўп ил уйнатилар даярлаш киритиб миз. тдинов, билан федеис, СССР

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

8.25 — Халқ куйлари, 8.30 —
Камер куйлари, 10.10 — Сомон
лик қўшиқлар, 16.30 — Қўн-
лар, 11.15 — «Коммунизм қи-
лини даврида миллатларнинг со-
бирарига яқинлашу омили»
(суҳбат), 11.25 — Собиотв, «По-
еисаист», 12.15 — Узбек ху-
куйлари, 15.20 — «Ленин» (ра-
композиция), 17.20 — Ўйгур му-
лири, 18.00 — «Бавра» газети,
нинг обшор, 18.10 — Спорт (ра-
19.40 — Концерт (хукор обшор)
театри — Артистлар, 20.00 —
19.20 — Куйлар, 20.00 — «Ом-
бръ» радиостанцияси, 20.30
Мақомлардан парчалар, 21.15 —
Концерт (кишлоқ хўжалик инс-
тути учун), 22.00 — Улуз Окта-
хроникаси, 22.10 — Вальс,
23.10 — Концерт.

БИРИНЧИ ПРОГРАМА

Ўзбек тилида: 10.35 — Зиниришлар программаси, 11.00 — Ёшлар ҳафталик бўлиши (мух. филм), 11.10 — Қазарни Вакил филми АССР (телефилм), 11.35 — Мухъобет ва хамандралар (б. филм).

13.00 дан — Москва кўрсатди.

ТОШКЕНТ КўРСАТАДИ

Ўзбек тилида: 16.55 — Зиниришлар программаси, 17.00 — Ленингижликлар (рус тилида). 18.00 — Теода ёғир ёғади (бола учун мультфильм), 17.30 — Исиқ бозгалари («Ёшлик» студия 18.30 — Ёшлар ҳафталик бўлиши), 19.00 — Ёшларнинг (ҳалқ киносурати) 19.45 — Телегажиқлар, 20.00 — Урап ҳалқ ҳоллар, 20.30 дан — Москва кўрсатди.

ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ
Ўзбек тилида: 20.30 — Конц
(область театрлари артистл
икросида). 21.10 Тоғ қон
(бадний фильм).

НАВОНИИ НОМЛИ АКАДЕМ
КАТТА ТЕАТРА — 11/XI
Лайли ва Мажнун 12/XI да
иш кўли (қувдуз), Анда (ке
рун).

МУҚИМНИ Я НОМЛИ ТЕАТРДА
11/XI да Равшан ва Зулхун

тебром юраклар» ешлар нол
тнвн гастроллари. Айиқлар
тракционн. Ургатувчи — Вл
мир Тин. 11 ва 12 нолбрат
уч марта томоша кўрсатил
Кундуз соат 12, 3 ва кеч 7 яр

Исёнкор застава — «ЎЗБЕК
ТОН», «ВОСТОК» (қундуз ва
қурун).
Матонатли кишилар — «Ч

АТ САРСНИ (КУНДУЗ ВА КЕЧКУР)

давлат университетининг филология факультетининг буйича илмий даражалар бериш илмий совет мажлисида (К. Марквичаси 32-уй, 51-аудитори) филология факультетининг кандидати

Н. Бобохужаев: «Зулфияни
поэтик маҳорати» деган т
мада.

Диссертация билан университет кутубхонасида таниши мумкин (Куйбишев кўчаси 10-уй).

«СТРОИТЕРМОИЗОЛЯЦИЯ»НИН
2-МАХСУС ВОШҚАРМАСИГА
бош бухгалтер ўринбосар
катта бухгалтерлар, прораблар
мастерлар, изоляциячилар

КЕРАК

Ўлгиз кишиларга ётоқхона берилди.

Меҳнат ҳақи ишбай асосидан
Мувожиқат учун алдас: Тоғ

«Кафанов». 1, 5, 9-троллейбу
ларнинг «Чехов» бекатлари).

хизмат кўрсатган артист
«Хайтарма» татар ансамбл
нинг солисткаси

Эдие ТОПЧИНИНГ

вафот этганлиги муносаб

4445. Масъул секретаръ

Орган Центрального Комитета Компар-

и Узбекистана, Верховного Совета и
Совета Министров Узбекской ССР. № А —

№ А — 265.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бирлашган нашриётининг босмахонаси. Тошкент шаҳри

ИНДЕКС 64633

P 05922